



Партиянинг жамоатчилик қабулхоналари

электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айланиши керак



ЎзХДП: устувор вазифалар

Одамлар ишончини қозониш, уларни ўйлантираётган масала ечими бўйича кўмак бериш сиёсий партиянинг халқ орасидаги обрўини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бунга эришиш эса ўз-ўзидан бўлмайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари партия аъзолари ва электорат вакиллари муаммоларини ўрганиш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган.

Ўтган давр мобайнида минглаб фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилди, ҳар бир мурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилди, қолганларига юридик маслаҳатлар берилди. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига назар ташласак, бунга яна бир бор амин бўламиз.

⇒ 2

ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунлари хорижлик мутахассислар нигоҳида ⇒ 3

Фонд бозори ривожланиши

аҳоли даромади ошишига хизмат қилади



⇒ 3

Тинчлик ва тотувлик — ютуқларимиз асоси

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантаналарида мустақиллик маъно-мазмунини, аввало, ҳуқуқ эканини алоҳида таъкидлади: «Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолиимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир».

Айни кунларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда давлатимиз раҳбарининг мазкур нутқида баён этилган фикрларни барча фуқаролар йиғинларида чуқур ўрганиш юзасидан кўплаб учрашувлар, анжуман ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

2013 йил — Обод турмуш йили

Сайхунободда янги корхона

Сирдарё вилоятида яна иккита тикувчилик корхонаси ишга тушди.

Маҳаллий тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улуғбек Ниёзовларнинг саъй-ҳаракати билан эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарадиган «Сайхун текстиль бизнес» ҳамда «Сардор текстиль бизнес» тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. «Микрокредитбанк» Сирдарё шаҳар филиали томонидан уларнинг ҳар бирига ажратилган 40 миллион сўм кредит эвазига Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув машиналари олиб келиб ўрнатилди.

Кишлоқ жойларда замонавий корхоналарнинг пайдо бўлиши Президентимиз раҳнамолигида биз, тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият ва шароитлар маҳсулидир, — дейди «Сайхун текстиль бизнес» корхонаси раҳ-

бари Улуғбек Ниёзов. — Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Ушбу корхоналар ишга тушиши билан 24 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

(ЎзА)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Кадрлар билан ишлаш

тизимини такомиллаштиришга бағишланди

Ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятдаги таъсир кучи, ҳеч шубҳасиз, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Ўз сафларида сиёсий билимдон, ташкилотчи кадрларни кўпроқ тўплай олган, уларнинг малакасини ошириб боришга ҳаракат қилаётган партия ўз дастурий мақсадларини амалга оширишда катта имкониятга эга бўлади.

Яқинда Фарғона шаҳрида кадрлар билан ишлаш режасига асосан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят кенгашлари раҳбар ва масъул ходимлари, маҳаллий партия кенгашлари ра-

ислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари иштирокида «Ўзбекистон ХДП тизимида кадрлар малакасини ошириш: талаб ва таъсирлар» мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.

(Давоми 2-бетда.)

Миллий ифтихор туйғуси

мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар биримизни фидойи бўлишга ундайверади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафкураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади. Шу боис миллий истиклол ғояси тарғиботи партиянинг барча даражадаги депутатлари ва ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб борилаётган ўқувларни таъсирчан усулларда ташкил этиш, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар биримизни фидойи бўлишга ундайди.

⇒ 2

Ижтимоий ҳимоя

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 февралдаги «Наманган шаҳрида қурилиши тугалланмаган объект негизда замонавий тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида» қарори асосида қурилиши бошланган «НАМИМПЕКС-ТЕКСТИЛЬ» корхонаси яқинда ишга тушди.

«Намимпекс-текстиль» иш бошлади

натижада 200 иш ўрни яратилди ва вилоятнинг экспорт салоҳияти ошди

Корхона йилига 1 миллион 200 минг дона трикотаж тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, пахта ва полиэфир толалари аралашмасидан йилига 5 минг тоннагача рақобатбардош калава ип ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш режалаштирилган.

«НАМИМПЕКС-ТЕКСТИЛЬ» фаолияти билан вилоятнинг иқтисодий қуввати янада ошадиган ҳамда экспорт салоҳияти кенгайди.

Энг муҳими барқарор иш ўринлари аҳоли ижтимоий ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Сурхондарё вилояти:



www.uzbekistonovozi.uz

Бу қадим юртда кўнгли обод, бунёдкор одамлар яшамокда

Олимп чўққисини кўзлаб...

Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини сарбаланд этиш — ҳар бир спортчимизнинг олий мақсади



⇒ 4

Янги маҳсулот ва янги иш ўринлари



⇒ 4

Чавандозларимиз ютуғи



⇒ 4

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

ЎЗХДП: устувор вазифалар

Партиянинг жамоатчилиги қабулхоналари

электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг самарали механизмига айланиши керак

ЎЗХДП тизимидаги 207 та Жамоатчилик қабулхонасига 2013 йилнинг ўтган олти ойи давомида 4 мингга яқин мурожаат тушган. Уларнинг 70 фоиздан кўпроги ўз ечимини топган, қолганлари ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга юборилган. Айниқса, ЎЗХДП Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Жиззах, Бухоро, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти намунали ташкил этилган. Фуқароларни қабул қилиш хоналари замонавий коммуникация воситалари, ҳуқуқий-сиёсий адабиётлар билан таъминланган ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхона фаолияти ташкил этилган. Бундан ташқари доимий равишда кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиб борилади. Уларда депутатлар, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар иштироки таъминланган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларнинг аксарияти коммунал соҳа, бандлик масаласи, иш ҳақи, нафақа ва

пенсияларни вақтида олиш каби ижтимоий соҳаларга тўғри келади.

Айтиш лозимки, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатлар тахлили вилоятларда қайси йўналишларда муаммолар борлиги, нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб турибди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига масала киритишида айнан Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар тахлили муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш, уларни замон талаби даражасида шакллантириш зарур. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғояларига хайрихоҳ бўлган кишилар ишончини оширишга, электорат муаммоларининг эътиборсиз қолмаслигига, сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Мўтабар КАРИМОВА,
ЎЗХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси:

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Жамоатчилик қабулхоналарига 250 га яқин мурожаат келган бўлса, уларнинг 80 фоизини тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этишга эришдик. Мурожаатларга ечим топиш учун биринчи галда масалани депутатлар ва партия фаоллари ўртасида муҳокама қиламиз. Уларнинг фикрларини ўрганган, энг маъқул ечимга тўхталамиз. Шундан сўнг, мурожаат маълум бир депутатга юқлатилади. Бу билан иш яқунланмайди, албатта. Масала ҳал этилмагунча қадар депутатлардан иборат махсус ишчи гуруҳи назоратида туради.

Вилоятимизнинг чекка ҳудудларида ўтказилаётган давра суҳбати ва ўқув-семинарлар доирасида кўча Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этишга жиддий эътибор қаратаёلمиз. Шу боис, улар фаолиятини кучайтириш учун ўқув машғулотлари, семинар-тренинг, давра суҳбатлари ташкил этиб бораёلمиз. Соҳага доир ўқув қўлланмаларидан кенг фойдаланишга ургу бераёلمиз. Шу билан бирга, Жамоатчилик қабулхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий компьютер ва коммуникация воситалари, зарур сиёсий-ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга ҳам эътибор қаратаёلمиз.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Раимберган САБУРОВ,
ЎЗХДП Хоразм вилоят
кенгаши раиси, халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:



ЎЗХДП тизимидаги 207 та Жамоатчилик қабулхонасига 2013 йилнинг ўтган олти ойи давомида 4 мингга яқин мурожаат тушган. Уларнинг 70 фоиздан кўпроги ўз ечимини топган, қолганлари ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга юборилган.

— Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойлардаги партия ташкилотларига етказилмоқда. Уларга кўра, Ўзбекистон ХДП Жамоатчилик қабулхоналари ишини янада такомиллаштириш учун муайян масалаларга эътиборни кучайтириш талаб этилмоқда.

Аввало, Жамоатчилик қабулхоналарини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бойитиш ҳамда қабулхоналар иш кунларини аҳоли учун қулай бўлган дам олиш кунларида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, қандай муаммолар бўйича мурожаатлар бўлаётгани ва ҳудудлар бўйича таққослаш механизмининг кучайтириш, намунали қабулхоналар иш тажрибасини оммалаштириш, жойларда ҳар ойда бир марта кўча Жамоатчилик қабулхоналар ташкил қилиш, вилоят ва туман оммавий ахборот воситалари билан самарали ишлаш лозим.

Сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, жамиятда таъсир кучини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим масала — одамлар манфаатини самарали ҳимоя қилишдир. Демак, ЎЗХДП бу борада Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан тўлақонли фойдаланиши зарур бўлади. Бу электорат манфаатларини барча ҳудудларда тизимли ўрганиш, шу асосда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларни маҳаллий Кенгашлар даражасида комплекс равишда ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.



Назира МАТКУБОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎЗХДП
Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоси:

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Миллий ифтихор туйғуси

мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар биримизни фидойи бўлишга ундайверади

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, миллий тафаккурнинг ўзгариши, юксалиши билан бевосита боғлиқ. Демак, миллий истиқлол ғоясини ҳаётимизнинг бош мезонига айлантириш, ҳар бир фуқарода ғурур туйғусини шакллантириш асосий мақсадимиздир.

ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Миллий истиқлол ғояси — мустақиллик таянчи» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида партия фаоллари эътибори шу мавзуга қаратилди.

Учкун ШОЙИМКУЛОВ,
ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда мустақиллик халқимизга берган ҳуқуқ, буюк имконият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Мустақилликка эришиш бу — ер ости ва ер усти бойликлариимизга эга бўлиш, ўзлигимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга ошириш экани алоҳида таъкидланди. Бу ишларни изчил давом эттиришда фуқа-

ролик жамияти институтлари, жумладан, сиёсий партияларнинг ўрни ва иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш, тинчлик ва оқилолчиликни таъминлаш, халқ фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатларни ўз мафқураси ва сиёсий фаолиятининг пойдевори, деб билади. Шу боис миллий истиқлол ғояси тарғиботи партиянинг барча даражадаги депутатлари ва ташкилотлари зиммасига катта масъулият юқлайди. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб борилаётган ўқувларни таъсирчан усулларда ташкил этиш, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш ва мустақилликни

мустаҳкамлаш йўлида ҳар биримизни фидойи бўлишга ундайди.

Жаннат ИСМАИЛОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори:

— Миллий истиқлол ғояси халқнинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайди, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон асрлар давомида дунё цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. Шунинг учун ҳам миллий маънавиятни ривожлантириш, ўзлигини англаш, маданий мерос ва тарихий ўтмишга кишиларимизда чуқур ҳурмат, уни ўрганишга интилиш туйғуси кучайиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Партия тизимида ҳам мазкур мавзулар муҳокамасига кенг ўрин бериш, тарғибот ишларини кучайтириш керак, деб ўйлайман. Чунки, миллий ифтихор туйғуси кучли одам катта ишларга қодир бўлади.

Дилафруз УСМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Биз ёшлар мустақиллик туйғусини яратилган имконият ва шароитлардан самарали фойдаланишимиз зарур. Зиммалардаги масъулиятни қай даражада англашимиз эса миллий ғоя ҳақидаги тушунарлилик, миллий гуруҳимизга боғлиқ,

Таълим муассасаларида миллий ғоя фани ўқитилиши ҳам миллий маънавиятни ривожлантириш, маданий мерос ва тарихий ўтмишга чуқур ҳурмат, уни ўрганишга интилиш туйғусини шакллантиришга хизмат қиляпти. ЎЗХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказиб келинётган тадбирлар партия аъзолари, электорат вакиллари орасида миллий истиқлол ғоясини тарғибот этишда катта аҳамиятга эга.

Тадбирда, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий ва маънавий онгини юксалтириш жараёнида, бунда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида

Кадрлар билан ишлаш

тизимини такомиллаштиришга бағишланди

Семинар аввалида «ЎЗХДП Марғилон шаҳар кенгашида кадрлар билан ишлаш тажрибасини ўрганиш» юзасидан кўргазмали машғулот ўтказилди. Унда иштирокчилар томонидан мавзу бўйича турли фикрлар билдирилди. Мутахассислар кадрлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча беришди.

Амалий машғулотдан сўнг ўтказилган давра суҳбатида ЎЗХДП тизими учун малакали кадрлар танлаш ишларини янада такомиллаштириш, ёш, салоҳиятли кадрлар сафини кенгайтиришга қаратилган ишларни янада жонлантириш масалаларида маърузалар ва фикр-мулоҳазалар тингланди. Партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришда кадрлар малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Алоҳида айтиб ўтиш жоизки, партияимиз тизимида ўтказилаётган бундай минтақавий семинарлар кадрларни замон талаблари асосида тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ишларини изчил йўлга қўйиш, бу борада мунтазам ўқувлар ташкил этиш раҳбар ва масъул ходимлар масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳабибахон ЮНУСОВА,
ЎЗХДП Фарғона вилоят
кенгаши бўлим mudiri.

Тинчлик ва тотувлик — ютуқларимиз асоси

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғинида ана шундай маърифий тадбир бўлиб ўтди. Жумладан, солиқ ва ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган «Мустақиллик — энг аввало ҳуқуқ демократия» мавзусидаги кўргазмали семинарда мустақилликни мустаҳкамлаш, оғоҳ ва ҳушёр бўлиб, ён-атрофга дахлдорлик ҳисси билан яшашнинг ҳаётий зарурати ҳақида сўз борди.

«Ватан тақдирини ўзини масъулмиз» мавзусидаги давра суҳбатида маҳалла фаоллари, турли соҳалар вакиллари, кўпни кўрган отахон-онахонлар билан худуддаги таълим муассасалари ўқувчилари ва ёшларнинг мулоқоти бўлиб ўтди.

— Аҳолининг турли қатламлари иштирок этаётган бундай тадбирларда мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган ва юксак самаралари халқроқ ҳамжамият томонидан ҳам кенг эътироф этилган «Ўзбек модели»нинг ҳар бир юртдошимиз ҳаётидаги муҳим аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилмоқда, — дейди «Ширин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулжаҳон Ҳасанова. — Ичкилик билан ўтказилаётган бундай маънавий тарғибот тадбирлари йигирмадан зиёд миллият вакиллари яшайдиган маҳалламиз аҳолисининг тинч-тотув ҳаёт кечирishi, ҳудуд ободлиги ва саранжом-саришталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маҳаллада яшайдиган икки минг нафардан зиёд ўғил-қиз қизиқчишга қараб турли тўғарақларга қамраб олинган. Жумладан, маҳаллада «Ораста қизлар» тўғараги ишлаб турибди. Шахмат-шашка, волейбол, баскетбол каби спорт секциялари ҳаммаи гажум.

Ширин маҳалласида истеъдодли ва салоҳиятли ёшлар кўп. Сузиш бўйича кўп қарра Ўзбекистон чемпиони Анна Плюсова — маҳалла фаҳри.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ушбу эътибор қизларнинг спорт билан мунтазам шугулланишида ҳам муҳим омил бўлмоқда. — дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 3-босқич талабаси А.Плюсова. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларида ғолиблар сафидан жой олганлардан фахрланаман. Мақсадим — бутун куч-ғайратимни ишга солиб, Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтариш, жаҳон чемпиони бўлиш!

Маҳалла худудидagi 287-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Озода Ҳўжаёрова фанларини пухта ўзлаштириш, спорт билан мунтазам шугулланишдан ташқари, бадиий адабиётга — шеърлар машқ қилишга жуда қизиқади. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги байрами арафасида унинг «Ватан, сен истаган фарзанд бўлман» китоби нашрдан чиқди. Келгуси йил мактабининг таомлаб, ҳоржий филология йўналишидаги академик лицейда ўқишни мақсад қилган Озода инглиз тилини ҳам пухта ўрганмоқда.

— Юртбошимизнинг Мустақиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригида биз, ёшларга қарата: «Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!», деган сўзларни эзгу орзуларимизга мустаҳкам қанот бағишлайди, — дейди О.Ҳўжаёрова. — Президентимиз «сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман», дедилар. Биз, ёшлар давлатимиз раҳбарининг бу юксак ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга ҳаммаи тайёрмиз.

Оилавий тадбиркор Мавлуда Мамарасулова тадбиркорларга яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, яқинда тикув цехи очди. Ундан ортқ қиз иш билан таъминланди. — Келгусида банк кредитидан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганимиз, — дейди М.Мамарасулова. — Чунки юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, тадбиркорлик билан шугулланаман, деган инсонга барча йўллар кенг очик. Бундай кенг ва улкан имкониятлар барчамизни Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етишга ва уни янада мустаҳкамлашга, бунёдкорлик зами, ғайрати билан яшашга ундайди, Зеро, давлатимиз раҳбари жуда тўғри таъкидлаганидек, «истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми? Бунга жавоб-битта: Йўқ ва асло йўқ».

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗХДП мухбири.

Бандлик
дастури —
амалда

Бухорода меҳнат ярмаркаси

Бухоро вилояти ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ярмаркада 241 корхона, ташкилот ва муассаса 2 минг 993 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада туман ва шаҳарлардаги бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан касбухона коллежларини битирган 155 нафар, вақтинча ишсиз ёшларнинг 231 нафарига ишга йўланма берилди.

(ЎЗА)

Қарор ва ижро

ОЛИМП ЧЎҚҚИСИНИ КЎЗЛАБ...

Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини сарбаланд этиш — ҳар бир спортчимизнинг олий мақсади

Мамлакатимизнинг етакчи спортчилари қатори таэквондо (WTF) билан шуғулланаётган йигит-қизлар ҳам 2016 йили Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзи Олимпиадада муносиб қатнашиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори бу жараёни замон талаблари асосида ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда спортнинг барча турлари каби таэквондо ҳам изчил ривожланмоқда, — дейди Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси бош қотиби Аббос Латипов. — Бугун мамлакатимизда йигирма мингдан ортиқ ўғил-қиз таэквондонинг «кёруги» — яккама-якка кураш йўналиши билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг таэквондо бўлимида 120 нафардан зиёд юқори малакали мутахассис, мураббий ва мураббия тайёрланаётган. Мамлакатимизда фаолият юритаётган олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабларида таэквондо (WTF) бўлимлари, қатор спорт секциялари ва тўғрақлари мамлакатимиз олимпия захираларини мустаҳкамлаш учун маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Таэквондо — Олимпия оила-сидаги энг ёш спорт турларидан. Олимпиадада таэквондо мусобақалари 2000 йилдан ўтказиб келинмоқда. 1973 йилда тузилган Жаҳон таэквондо федерацияси икки юздан зиёд миллий федерацияни бирлаштирган. Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси 1993 йилда Жаҳон таэквондо федерациясига аъзоликка қабул қилинган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда таэквондонинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган «кёруги» йўналиши кенг оммалашмоқда. Ўзбек таэквондочиларидан Рашид Аҳмедов ўсмирлар, Эдуард Хейгай ва Ахмал Эргашев кат-

талар ўртасида таэквондо WTF бўйича жаҳон чемпионатларида кумуш, Евгений Ли ва Ирина Дергач бронза медалларга сазовор бўлган. Ўзбекистон таэквондо усталари Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатларида йигирма медални қўлга киритган. Бундай юксак натижалар самарасида мамлакатимиз таэквондочилари дунёдаги энг кучли ўн жамоадан бири сифатида эътироф этилмоқда.

2016 йили Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик дастурига мувофиқ, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси раҳбарияти минтақавий федерациялар фаолиятини кучайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, машғулот ва мусобақаларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун шароит яратиш, халқаро майдонда юксак натижалар кўрсатишга қодир спортчиларни саралаб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қўлланли ишларни амалга оширмоқда.

— Олимпиадага тайёргарлик дастурига биноан, олимпия за-

хирасини истеъдодли ёшлар билан бойитиш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб селекция ишларини амалга ошираётимиз, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи Пахлавон Собиров. — Жорий йилнинг ўзида барча вилоятлардан жами 60 нафар спортчи саралаб олинди. Пойтахтимизда ўтган якуний босқичда улар ўн беш нафар мураббий кузатувида узоқ ва яқин масофага югуриш, умумий жисмоний тайёргарлик ва яккама-якка кураш бўйича синовдан ўтди. Энг юқори натижа кўрсатган 17 таэквондочи танлаб олинди. Улар орасидан энг кучли етти нафари эса терма жамоамиз сафида халқаро миқёсдаги чемпионат ва мусобақаларда қатнашди.

Ўзбекистон ўсмирлар ва катталар терма жамоалари халқаро мусобақаларга тайёргарликни Таэквондо (WTF) ассоциацияси тасарруфидаги спорт мажмуасида олиб боради. Пойтахтимизда жойлашган бу замонавий иншоотда машғулотлар ҳафта-сига олти кун, уч маҳалдан давом эттирилмоқда. Жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машқларидан ташқари маънавий дарслири ҳам ўтказилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан чўчимади.

Таэквондочиларимиз машғулотларда ўзлаштирган билим-кўникмаларини расмий мусобақаларда синовдан ўтказмоқда. 2013 йилнинг март ойида Гамбург шаҳрида ўтган

«Германия опен» халқаро турнирида Жасур Бойқўзиёв олтин, Баҳром Абдуллаев бронза медални қўлга киритди. Июль ойида Жанубий Кореяда ўтказилган «Чун-чон Корея опен — 2013» халқаро мусобақасида иккитдорли ёш спортчилардан Умида Абдуллаева, Мадина Рўзиева, Нигора Турсунқулова, Ёсинқўжа Зиёвуддинов, Аббос Алиқулов, Нурлан Бойқўжаев, Жавлон Рустамов, Ниёзбек Пулатов олтин медалга сазовор бўлди, яна битта кумуш ва бешта бронза медал қўлга киритилди. Август ойида Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида Ганижон Хурилов ва Динора Мамадиброҳимова бронза медалга лойиқ топилди.

— Ҳар бир спортчи ўз ғалабаси билан Ватанини шарафлашни орзу қилади, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Осиё вице-чемпиони Жасур Бойқўзиёв. — Мамлакатимизда биз, спортчилар ҳам ўз қобилиятимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимизни намойиш этишимиз учун кенг имкониятлар яратилган. 2016 йили бўладиган Олимпия ўйинларида муносиб қатнашиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашни мақсад қилганмиз.

2014 йилги спорт масмуида ҳам масъулиятли мусобақалар кўп. Хусусан, апрель ойида Тошкент шаҳри таэквондо (WTF)



Мухаммад АМИН (ўса) олган суратлар.

бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилади. Қитъамизнинг энг кучли таэквондо усталари майдонга чиқадиغان ушбу мусобақада ҳамюртларимиз яккама-якка беллашув ва комплекс машқ бажариш бўйича ўз маҳоратини намойиш этади.

Жаҳон таэквондо федерацияси 2014 йилдан эътиборан кадетлар — 14 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида жаҳон биринчилигини ўтказишга қарор қилди. Жаҳон чемпионатининг дастлабки 2014 йилнинг февраль ойида Боку (Озарбайжон) шаҳрида бўлади. Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси раҳбарлари айни пайтда бўлажак чемпионатда қатнашадиган терма жамоани шакллантириш учун ёш спортчилар орасида кузатув ва саралаш ишларини давом эттирмоқда.

— Шу йилнинг октябрь ойида кадетлар ўртасида бўладиган мамлакатимиз биринчилиги жаҳон чемпионатида саралашнинг сўнгги ва асосий босқичидир, — дейди Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциациясининг иккитдорли спортчиларни танлаш бўйича бош мутахассиси Бобур Қўзиёв. — Си-

новлардан муваффақиятли ўтган ёш таэквондочилар терма жамоа сафида кадетларнинг илк жаҳон чемпионатида қатнашади ва улар келажақда олимпиячилар захирасидан жой олади.

Шунингдек, 2014 йилнинг март ойида Хитой Тайпейида таэквондо (WTF) бўйича жаҳон саралаш турнири бўлади. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатлари вакиллари қатори саккиз нафар таэквондочимиз ҳам 2014 йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйинлари лицензиялари учун курашади.

Ха, Олимпия ўйинларидек йирик спорт анжуманларида ғалаба қозониш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир олимпиячи доимий эътибор, тинч ва осойишта турмуш, замонавий шарт-шароитда пухта тайёргарлик ҳамда малакали мураббийлар кўмаги керак. Озод ва обод Ўзбекистонимизда бу омилларнинг барчаси мавжудлиги спортчиларимизнинг Олимп чўққисини забт этишига катта умид ва ишонч бағишлайди.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари ўн саккизинчи тур учрашувларини ўтказди.

«Бунёдкор» очко йўқотди

Турнинг қўтилмаган натижаси Гузорда «Шўртан» — «Бунёдкор» жамоалари баҳсида қайд этилди. Унда мавсум пешқадами чемпионат аутсайдерларидан бири — мезбонлар дарвозасига йўл топа олмади — 0:0. Бунёдкорчилар ҳужумчиси Олександр Пишур 51-дақиқада «Шўртан» жамоаси дарвозаси томон белгиланган пенальтидан гол кирита олмади.

Бекободда «Металлург» — «Гулистон» жамоалари учрашувида эса қуйидаги ҳисоб қайд этилди — 5:3.

Турнинг қолган ўйинлари натижалари: «Локомотив» — «Насаф» — 2:0, «Навбахор» — «Бухоро» — 2:3, «Динамо» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Пахтакор» — «Қизилқум» — 1:0, «Нефтчи» — «Олмалик» — 4:0.

Чемпионатнинг навбатдаги тур баҳслари 21-22 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.



ОБ-ҲАВО 17-18 — 09. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+10 / +15 +25 / +30

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+12 / +17 +28 / +33

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+12 / +17 +28 / +33

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+13 / +18 +28 / +33

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+12 / +17 +23 / +28

Тошкент шаҳри

+12 / +14 +28 / +30

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон -1 / -1

Париж +1 / 0

Москва -8 / -4

Мадрид +10 / +8

Пекин +1 / +3

Канберра +6 / +10

Рим +10 / +8

Афина +11 / +11

Токио +9 / +8

Стокгольм -7 / -8

Кейптаун +15 / +14

Қоҳира +14 / +13

Гавана +18 / +19

Вашингтон +3 / +4

Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2013 йил 12 сентябрь, 110-сонда берилган «Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Янги Қорсу кўчаси, 193-уйдаги давлат нотариал контора биноси қурилиши» объекти бўйича эълон бекор қилинганлигини маълум қилади.

Эркин ХОЛБОБО

Янги маҳсулот ва янги иш ўринлари



Наманган туманидаги «Малика ҳолис сервис» корхонаси полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Бу ерда кунига 20 минг дона ун, шакар, гуруч каби озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сифатли қадоқлашда асқотадиган қоп ва қопчиқлар тайёрланмоқда. «Агробанк» туман филиали орқали олинган 1 миллиард 50 миллион сўм кредит

маблағи ёрдамида фойдаланилмай ётган ярқосиз бино мукамал таъмирдан чиқарилди. 527 минг АҚШ долларилик дастгоҳлар ўрнатилди. Натижада, Ғалча қишлоғида 50 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. (Ўз мухбири).

Пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Алпур» от спорти клубида Жаҳон кубоги Марказий Осиё лигасининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ҳамда Россиядан келган эллик нафарга яқин чавандоз тўсиқлардан от сакратиш бўйича ўзаро куч синашди.

Чавандозларимиз ютуғи

Мусобақанинг шахсий биринчили баҳсларида ҳамюртларимизга тенг келади-гани топилмади. 140 ва 160 см баландликдаги тўсиқлар бўйича беллашувларда Умид Комилов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Мирзохид Мусаев ҳамда Файрат Назаров шохсупанинг иккинчи ва учинчи погоналарини банд этди.

Шунингдек, мусобақа доирасида «Ҳамдустлик кубоги» баҳслари ҳам уюштирилди. Унда умумжамоа ҳисобида бош соврин Даврон Рўзимухаммедов, Мирзохид Мусаев, Бекзод Қурбонов, Аваз Абдуҳакимов каби моҳир чавандозлардан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоасига насиб қилди.



MUASSIS:
O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Murodilla ABDULLAYEV Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV Ulug'bek MUSTAFOYEV Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV Muliiddin MUHIDDINOV
Rustam KAMILOV Ochiiboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoochilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ktibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946

10485

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

1 2 4 5

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

4172010763004

1 2 4 5